

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.10969608>

## БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРНИ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ

**Хакимов Амир Алишер ўғли**

Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳарбий тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси

[akaxodja@mail.ru](mailto:akaxodja@mail.ru)

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муасассаларида кадрдар тайёрлаш жараёнида замонавий коммуникацион технологияларнинг роли шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари билан ўқ отиши тайёргарлиги машғулотларни ташкиллаштириши ва такомиллаштириши усуллари ҳамда курсантларнинг билим ва қўнималрини шаклантиришида замонавий технологияларнинг ўрни ёритиб берилган.*

*Калит сўзлар:* олий ҳарбий таълим муасассалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, страйкбол, симуляция, жсанговар тайёргарлик.

### **THE ROLE OF MODERN COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE PROFESSIONAL TRAINING OF FUTURE OFFICERS**

### **ABSTRACT**

*In the article, the role of modern communication technologies in the process of personnel training in the higher military educational institutions of the Republic of Uzbekistan, as well as the methods of organizing and improving shooting training of law enforcement agencies with cadets of higher military educational institutions, as well as the role of modern technologies in the formation of knowledge and skills of cadets, are highlighted.*

**Keywords:** higher military educational institutions, law enforcement agencies, airsoft, simulation, combat training.

## КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган, харакатчан ва пухта қуролланган қудратли кучга айланди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Дунёда юзага келган ҳозирги мураккаб вазиятда Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитетини, унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, энг қимматли бойлигимиз – жамиятимизда ҳукм суроётган тинчлик ва тотувликни кўз қорачигидек асраб-авайлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини барчамиз албатта чукур англаймиз.

Ватан равнақи ғояси Ватанга дахлдорлик ҳисси мазмунини, ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ баҳт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир. У миллий истиқлоннинг олий мақсади Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди. Ватанин ардоқлаш, эъзозлаш ва унга хизмат қилиш Конституциямизнинг 64-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурудирлар”[1]. Ҳар қандай давлат ўз истиқболини соғлом ва баркамол авлод тимсолида кўради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини, қучли фуқаролик жамияти ва ҳукуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсадлар рўёбини ёшлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Айнан шунинг учун ҳам биз 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири этиб белгиладик[2].

Сўнги йилларда Ички ишлар органларида қатор ислоҳотлар олиб борилаётганига қарамай жиноятчилик ўсишда давом этмоқда, айниқса ўғрилик, пичоқбозлик шунингдек хизмат вазифасини ўтаётган ходимга нисбатан қаршилик кўрсатиш ва хоказолар.. . Бу эса ҳар бир ходимдан ўзига бириклирилган шахсий таъбел қуролини тўғри, аниқ ҳамда тезкорлик билан кўллай олиш янада долзарб вазифага айланмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Амалиёт шуни кўрсатадики ҳар қандай жиноятчиликка чек қўйишда сўнги чора сифатида бу қурол қўллашни талаб этади, бу эса ходимларни шаҳсий табел қуролидан фойдаланишда юксак маҳоратни талаб этади. Бу борада Ички ишлар

органлари тўғрисидаги қонуннинг 5 боби хамда Ички ишлар вазирининг 2017 йил 15 мартдаги **буйруғида кўрсатилган**.

Жиноий ҳаракатларни тўхтатиш бўйича ўтказган ҳар маҳсус қандай операция натижаси ахлоқий ва иродавий фазилатларга, ходимларнинг жисмоний тайёргарлигига, хизмат қуролини мукаммал, мураккаб, тез ва ўзгарувчан психологик вазиятда ишончли ишлатиш қобилиятига боғлиқ. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш пайтида табель қуролини мохирона қўллай олмаган Ички ишлар органи ходими нафақат ўзи, балки операция зонасида тасодифан пайдо бўлган фуқаролар ҳам азият чекиши мумкинлиги маълум[3].

Ўқотар қуролларни мукаммал ўрганиш ва самарали қўллай билиш учун улар билан бажариладиган машқларни доимо такрорлаб бориш зарур. Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича билимлар, маҳорат ва малакаларга синф машғулотларида, ўқ отиш машқларида, ўқув отишларида ва қурол-яроғларга хизмат кўрсатиш соатларида эга бўлинади. Ўқ отишларни бажаришда курсантлар қурол билан ҳаракатларни бажаришнинг амалий билимларига эга бўладилар, турли хил вазифаларни мустақил ҳал қилишни ўрганадилар. Ўқ отиш тайёргарлиги фанини ўқитишида “Моделлаштирилган симуляция” марказлари ва электрон тренажер тирлардан фойдаланиш анча курайлик яратади.

Инновацион технологилардан фойдаланиш орқали вақт ва кучини тежашга интилмоқда бу эса инсондан маълумотларни филтираш ва интеллектуал салоҳиятини оширишни талаб этади. Бунинг натижасида инсон фаолияти кенгайиб пировард масалаларни ҳал қилиш имконини беради[4]. Янги информацион технологиялар инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб боришни талаб қилмоқда ҳамда ушбу билимларни пухта эгаллаган турли хил касб эгалари юқори малакали мутахассислар бўлиб етишмоқда.

## **НАТИЖАЛАР**

Моделлаштирилган симуляция воситалари орқали, маълум бир худудда турли хил вазиятларда ҳарбий бўлинмалар томонидан олиб бориладиган жанговар ҳаракатларнинг театрини яратиш ва ишлаб чиқишидир. Бунда турли хил шароитлардаги худудлар (кундузи ёки тунги вақтлардаги тоғли худуд, чўл худуди, шаҳар ёки қишлоқ шароитидаги худудлар ва бошқалар) ҳамда унда жанговар ҳаракатларни олиб борувчи бўлинмаларнинг шахсий таркиби ва уларнинг ҳаракатланиш тактикалари ишлаб чиқилади.

**Симуляция-курсантлар** томонидан олдиндан моделлаштирилган жанговар ҳаракатлар театрини симуляция воситаларидан фойдаланган ҳолда бирон-бир ҳарбий хизматчи ролида олиб боришидир.

“ Моделлаштирилган симуляция маркази ”нинг қурайликлари :

-синфхонадаги компьютерлар марказлаштирилиб ўқитувчи томонидан барча курсантларни назорат қила олиш, шунингдек курсантларнинг йўл қўйган хато ва камчиликларини етказиб, тузатиб бориш;

-ўқитувчи ўзининг компьютери орқали ҳарбий хизматчи ва курсантлар томонидан олиб борилаётган жанговар ҳаракатлардаги вазиятни кескин ўзгартириш имконияти мавжудлиги бу еса уларни турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ўргатади;

-курсантларни гурух билан биргаликдаги ҳамжихат ҳаракатларини янада мустаҳкамлади;

-таҳсил олувчиларнинг жанговар ҳаракатлар театри реал ҳолатга яқин бўлгани учун мавзууни тез ва сифатли ўзлаштириши;

-машғулот ўйин тариқасида бўлганлиги боис таҳсил олувчилар фанга ва мавзуга қизиқишиларини ортиши ;

-битта машғулотнинг ўзида таҳсил олувчиларнинг турли хил қуроллардан ўқ отиш имкониятига эга бўлишлари.

**Страйкбол** - бу ҳарбий спорт ўйинидир, унда иштирокчилар отиш учун металл ёки пластмассадан ясалган жанговар қуролларнинг ҳақиқий электропневматик нусхаларини қўллайдилар. Бошқа ҳарбий тактик ўйинлардан фарқли ўлароқ, страйкболда бўёқ ёки лазер нурлари ўрнига пластик шарлардан фойдаланади. Бу ўйинни янада қизиқарлироқ тус олдиради, яъни ҳақиқий ҳарбий дала формасига ўхшаш маҳсус жиҳозларни кийишингиз керак, бу эса ҳарбий хизматчиларни реал ҳолатга яқинлаштиради

## МУҲОКАМА

Бир қатор муаммолар мавжудки, уларни ҳал қиласдан ижобий натижаларга еришиш мумкин емас.

1) янги маълумотларни жорий етишининг ягона методологиясининг йўқлиги технологияларни касбий тайёргарлик ва амалиёт ходимлари фаолияти тўлақонли йўналтирилмаганлиг;

2) таълим фаолиятини ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришнинг паст даражаси ягона маълумотлар базасини яратишида таълим муассасалари ва дастурий таъминот;

3) профессор-ўқитувчилар таркибининг янги ахборот технологияларидан етарли даражада фойдалана олмаслиги[4].

Ушбу технологияларни қўллашнинг афзаллиги:

-ОХТМ курсантлари ва тингловчиларининг отиш тайёргарлиги билан доимий равишда шугулланиш учун замин яратади;

-жанговар ўқув ва фойдаланилаётган ўқув моддий техник базанинг ўкувчиларни бандлиги даражаси кескин ошади;

-командирлар ўз бўйсунувчиларини навбати билан компьютер синфларида дала машғулотларидан олдин машқ қилдириши дала машгулотлари давомида уларни қўшимча шуғуллантириш учун сарфланадиган вактни тежайди;

-командирларнинг тезкорлик билан мақсадга мувофиқ қарорлар қабул қила оладиган тайёргарлик сифатини оширади;

-тренажерлар ва компьютерлар исталган ехтимолий душман билан жанг олиб бориш ва унинг самарасини кўриш учун замин яратади.

вакт тежаб қолинади;

-якка тартибда ишлаш ва назорат қилиш соддалаштирилади;

-бахолашда шаффоффликга еришилади;

-ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида хамкорлик муҳити реал имкон яратилади, турли вазиятларга киритилади;

-мониторда харакатланиётган нишонлар тўхтатиш ва кайта тиклаш мумкин;

-харбий хизматчиларнинг руҳий тайёргарлигини синаб кўриш натижасида ўзига ишонч хисси янада мустаҳкамланади ва бошкалар.

## **ХУЛОСА**

**Симуляция-курсантлар** томонидан олдиндан моделлаштирилган жанговар ҳаракатлар театрини симуляция воситаларидан фойдаланган ҳолда бирон-бир ҳарбий хизматчи ролида олиб боришидир.

“ Моделлаштирилган симуляция маркази ”нинг қулайликлари :

-синфхонадаги компьютерлар марказлаштирилиб ўқитувчи томонидан барча курсантларни назорат қила олиш, шунингдек курсантларнинг йўл қўйган хато ва камчиликларини етказиб, тузатиб бориш;

-ўқитувчи ўзининг компьютери орқали ходимлар ва курсантлар томонидан олиб борилаётган жанговар ҳаракатлардаги вазиятни кескин ўзгартириш имконияти мавжудлиги бу еса уларни турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ўргатади;

-курсантларни гуруҳ билан биргаликдаги ҳамжиҳат ҳаракатларини янада мустаҳкамлайди;

-таҳсил оловчиларнинг жанговар ҳаракатлар театри реал ҳолатга яқин бўлгани учун мавзууни тез ва сифатли ўзлаштириши;

-машғулот ўйин тариқасида бўлганлиги боис таҳсил оловчилар фанга ва мавзуга қизиқишлирини ортиши ;

-битта машғулотнинг ўзида таҳсил олувчиларнинг турли хил қуроллардан ўқ отиш имкониятига эга бўлишлари;

-ўқ дорилар билан хеч қандай муаммо келиб чиқмаслиги.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасалари ўқ отиш тайёргарлигини талаб даражасида ташкил этиш ва пухта ўзлаштириш хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга малакали кадрлар билан таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, хуқуқбузарликлар пофилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш каби фаолиятини самарали ташкил қилиш имконини беради.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2023. – 64-модда // URL:<http://lex/uz>
2. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 31 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги // Халқ сўзи. – 2023 й 13 январь.
3. Горбенков С. Г. Методика огневой подготовки слушателей учебных заведений МВД России: Автореф.дис. ... канд пед. Наук. – М., 1997. – С. 3.
4. Khizhnaya A. V., Kutepov M. M., Gladkova M. N., Gladkov A. V. & Ornikova E. I. Information Technologies in the System of Military Engineer Training of Cadets. International Journal of Environmental and Science Education. 2016. № 11 (13). P. 6238–6245. (Translated from English)
5. Козлов О. А. Роль информационных технологий в процессе профессиональной подготовки курсантов войск национальной гвардии Российской Федерации // The Education and science journal. 2016. № 8 (137)